

**«АНДИЖОН БИОКИМЁ ЗАВОДИ» АЖ**  
**АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ**  
**Б А Ё Н Н О М А С И**

“Андижон биокимё заводи” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2021 йил 24 июнь соат 10-00 да жамият маъмурий биносида (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 12-уй манзилида) бўлиб ўтди.

2021 йил 24 июндаги жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши қарорига асосан санок комиссия шахсий таркибига киритилган аъзоси Б.Гиёсов жамият томонидан жами

5 955 477 дона акция чиқарилганлиги, умумий йиғилиш иштирокчиларини рўйхатга олиш натижаларига кўра, йиғилиш ўтказилиши белгиланган вақтга акциядорлар ва уларнинг ишончли вакиллари 5 768 771 дона акция билан рўйхатдан ўтганлигини, бу эса овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларга нисбатан 96,8 фоизни ташкил этганлигини маълум қилиб, умумий йиғилишни очиш мумкинлигини билдирди. Умумий йиғилишни очиш масаласи акциядорлар тарафидан бир овоздан маъқулланди.

Йиғилиш очик деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидагилар очик овоз бериш йўли билан тасдиқлаб олинди:

Йиғилиш Президиуми уч кишидан иборат қуйидаги таркибда сайланди:

- Ғ.Ғ. Мадакимов – жамият кузатув кенгаши аъзоси.
- А.М. Алимжанов - Давлат активларини бошқариш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б.
- Х.Т. Юлдашев - жамият бошқарув раиси.

Йиғилиш раиси этиб Ғ.Ғ.Мадакимов ва котиби этиб А.Кадирова сайланди.

Овоз бериш тартиби - бюллетен орқали.

**Умумий йиғилиш кун тартиби:**

1. **Жамият акциядорларининг 2020 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: **Ғ.Ғ.Мадакимов** – йиғилиш раиси.
2. **Санок комиссияси таркибини сайлаш.**  
Ахборотчи: **Ғ.Ғ.Мадакимов** – йиғилиш раиси.
3. **Жамият Кузатув кенгашининг 2020 йилда амалга оширган ишлари, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ва корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботларини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: **Ғ.Ғ.Мадакимов** – йиғилиш раиси.
4. **Жамият бошқарув раисининг 2020 йил якуни бўйича бизнес-режа параметрларининг бажарилиши ва йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.**  
Маърузачи: **Х.Т.Юлдашев** – жамият бошқарув раиси.
5. **Жамиятнинг 2020 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботини, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: **М. Хакимова** – жамият бош ҳисобчиси.
6. **Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳисоботини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: **З.Бурхонов** – жамият ташқи аудит вакили.

7. **Жамиятнинг 2021 йилги молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотларидан берилган таклифларини кўриб чиқиш ва аудитор ташкилотига тўланадиган хизмат ҳақкининг энг кўп миқдорини белгилаш.**  
Ахборотчи: М.Мамасолиев – иктисодиёт ва режалаштириш бўйича директор.
8. **2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: Х.Туракулов – жамият ички аудит хизмати бошлиғи.
9. **Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимоти, дивиденд миқдори, тўлаш тартиби ва муддатини белгилаш.**  
Ахборотчи: Б.Ғиёсов – жамият корпоратив котиби.
10. **Жамият 2021 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: У.Рахимов – жамият режа ва меҳнат булими бошлиғи.
11. **Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.**  
Ахборотчи: Ғ.Ғ.Мадакимов – йиғилиш раиси.
12. **Жамият Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.**  
Ахборотчи: Ғ.Ғ.Мадакимов – йиғилиш раиси.
13. **Жамият бошқарув раиси билан тузилган ишга ёллаш тугрисидаги меҳнат шартномаси муддатини бир йилга узайтириш тугрисида.**  
Ахборотчи: Ғ.Ғ.Мадакимов – йиғилиш раиси.
14. **Жамият ижроия органи аъзоларини сонини қисқартириш ва улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига узгартириш киритиш ҳамда бир йил муддатга шартномалар тузиш тугрисида.**  
Ахборотчи: Ғ.Ғ.Мадакимов – йиғилиш раиси.
15. **Жамиятда 2020 йил давомида Корпоратив бошқарув тамойиллари ижросини баҳолаш юзасидан мустақил баҳоловчи томонидан берилган хулосани тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: Б.Ғиёсов – жамият корпоратив котиби.
16. **Жамият кундалик фаолияти билан боғлиқ бўлган битимлар рўйхатини тасдиқлаш.**  
Ахборотчи: Х.Қорашев – Ҳуқуқшунослик хизмати бошлиғи.
17. **Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тугрисида.**  
Ахборотчи: Б.Ғиёсов – жамият корпоратив котиби.
18. **Жамият Уставига узгартиришлар киритиш тугрисида.**  
Ахборотчи: Б.Ғиёсов – жамият корпоратив котиби.
19. **Жамиятнинг акциялар чиқарилиши тугрисидаги қарорига узгартиришлар киритиш тугрисида.**  
Ахборотчи: Б.Ғиёсов – жамият корпоратив котиби.
20. **2015-2016 йил якунлари бўйича ҳисобланган, лекин талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият фойдасига олиш тўғрисида.**  
Ахборотчи: М.Ҳақимова – жамият бош ҳисобчиси.

Кун тартибидаги масалаларга ўтишдан олдин йиғилиш раиси Ғ.Мадакимов бугунги умумий йиғилиш кун тартибига куйилган 11 ва 12-масалалар, яъни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш бўйича бериладиган номзодлар руйхати Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган холда берилиши белгиланганлигини, бироқ, шу кунга қадар ушбу масала Вазирлар Маҳкамаси томонидан келишилмаганлиги сабабли, ушбу масалаларни кўрилмасдан қолдиришини айтиб ўтди.

Кун тартибидаги **биринчи ва иккинчи** масалалар бўйича йиғилиш раиси Ғ.Мадакимов сўз олиб, бугунги умумий йиғилишнинг регламентини куйидагича белгилашни таклиф этди:

- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чикувчиларга 5 дакикадан;
- таклиф ва мулоҳазалар учун 5 дакикадан.
- Кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 15 минут.

Яна у ўз сузида санок комиссияси шахсий таркибига жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия килинган куйидаги номзодларни сайлашни таклиф этди:

- Б.Гиёсов (жамият ходими)
- У.Рахимов (жамият ходими)
- Б.Гойиббердиев (жамият ходими)

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан жамият кузатув кенгаши аъзоси Ғ.Мадакимов жамият кузатув кенгашининг 2019 йилда амалга оширган ишлари, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ва корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботини йиғилиш катнашчиларига укиб эшиттирди (кузатув кенгашининг ҳисоботи илова қилинади).

Кун тартибидаги **туртинчи** масала бўйича «Андижон биокимё заводи» АЖ бошқарув раиси Х.Юлдашев 2020 йил якуни бўйича бизнес-режа параметрларининг бажарилиши ва йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан маъруза килди. (маъруза матни илова қилинади)

Кун тартибидаги **бешинчи** масала юзасидан, жамият бош ҳисобчиси М.Ҳакимова жамиятнинг 2020 йилдаги молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот берди ҳамда тасдиқлаб беришларини суради.

Кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича ташки аудит вакили З.Бурхонов суз олиб, жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳисоботини ва хулосасини йиғилиш катнашчиларига укиб эшиттирди. (аудиторлик хулоса илова қилинади).

Кун тартибидаги **еттинчи** масала юзасидан жамиятнинг иқтисодий ва режалаштириш бўйича директори М.Мамасолиев сузга чикиб, «Андижон биокимё заводи» АЖ нинг 2021 йил учун ташки аудиторни сайлаш ва унга туланадиган энг куп хизмат хақини белгилаш бўйича уз тижорат таклифларини берган куйидаги аудиторлик ташкилотларини маълум килди ҳамда акциядорлардан куллари таркатилган бюллетенларда уз муносабатларини билдиришларини суради:

№	Аудитор ташкилот номи	Аудитор ташкилот жойлашган ҳудуд	Аудит текширувини утказиш бўйича шартнома суммаси
1	«ФИНАНС АУДИТ» МЧЖ АТ	Андижон шаҳар	40,0 млн.сум
2	«МЕЗОН АУДИТ ПЕРФЕКТ» МЧЖ	Фаргона шаҳар	45,0 млн.сум
3	«ЗИЁ АУДИТ» МЧЖ АТ	Андижон шаҳар	25,0 млн.сум
4	«ПЕРФЕКТ АУДИТ» МЧЖ АТ	Тошкент шаҳар	50,0 млн.сум
5	«АГРОТАХЛИЛ» МЧЖ АТ	Тошкент шаҳар	50,0 млн.сум

Кун тартибидаги **саккизинчи** масала бўйича жамият ички аудит хизмати бошлиги Х.Туракулов сузга чикиб, жамият тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ҳисоботини укиб эшиттирди. (тафтиш комиссиясининг ҳисоботи илова қилинади).



Кун тартибидаги **туққизинчи** масала юзасидан жамият ходими Б.Гиёсов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг тавсиясига асосан, 2020 йил якуни бўйича олинган **8 061 200 149,56 сўм** соф фойдани куйидагича тақсимлашни акциядорлар ҳукмига хавола этди:

- захира фондига соф фойданинг 5 фоизи ёки **403 060 007,48 сўм**;

- Жамиятнинг инновацион фаолиятни қўллаб қувдалаш жамғармасига соф фойданинг 10 фоиз ёки **806 120 014,96 сўм**;

- Жамият бошқарув раиси ва аъзоларини рағбатлантиришга соф фойданинг 3% ёки **241 836 004,49 сўм**;

- Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун соф фойданинг 7% фоиз ёки **564 302 981,77 сўм**;

- акциядорларга дивиденд учун соф фойданинг 75 фоиз ёки **6 045 881 140,86 сўм**, яъни ҳар бир дона акцияга **1015,18 сумдан**.

Яна у уз сузида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида, яъни жорий йилнинг 24 август кунига қадар акциядорларга дивидендлар тўланиши ҳамда тулов жисмоний шахсларга нақд пул ёки пластик карточкалар орқали ва юридик шахсларга ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши тугрисида айтиб утди.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала бўйича жамиятнинг режа ва меҳнат булими бошлиғи У.Рахимов «Андижон биокимё заводи» АЖ нинг 2021 йилга мулжалланган бизнес-режасини йиғилиш катнашчиларига уқиб эшиттирди (бизнес-режа илова қилинади) ҳамда ушбу бизнес-режани тасдиқлаб беришларини суради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи масала** бўйича йиғилиш раиси Ғ.Мадакимов суз олиб, жамиятнинг ҳисобот даврида бизнес-режанинг асосий кўрсаткичлари ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилганлиги муносабати билан амалдаги жамият бошқарув раиси Юлдашев Хамидулложон Туражонович ишга ёллаш тугрисидаги меҳнат шартномасини бир йил муддатга, яъни кейинги навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар узайтиришни таклиф қилди.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала бўйича ҳам йиғилиш раиси Ғ.Мадакимов суз олиб, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қарорларига асосан жамият ижроия органи аъзолари сонини 1 нафарга, яъни жамиятнинг тартиб ва ходимлар бўйича директори лавозимини қисқартириш лозимлигини айтиб утди. Яна у уз сузида куйидаги жамият ижроия органи аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаларига узгартириш киритган ҳолда бир йил муддатга шартномалар тузишни таклиф қилди:

**1. Тўрақулходжаев Фазлиддин Юлчибаевич** – жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, саноатда кооперация алоқаларини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари, ижро органи аъзоси

**2. Мамасолиев Махаммадjon Шавкатович** – иқтисодиёт ва режалаштириш бўйича директор, ижроия органи аъзоси.

**3. Ирматов Аълобек Абдумажид ўгли** – маркетинг ва сотиб олиш бўйича директор в.в.б. ижроия органи аъзоси.

**4. Ҳакимова Мукаддасхон Тухлиевна** – бош ҳисобчи, ижроия органи аъзоси.

**5. Алиев Шаробиддин Абдукаримович** – бош технолог, ижроия органи аъзоси.

Кун тартибидаги **ун бешинчи** масала бўйича Б.Гиёсов суз олиб, Андижон шаҳрида жойлашган «ИДРОК» МЧЖ нинг «Андижон биокимё заводи» АЖ да 2020 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича тузилган ҳисоботини уқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади). Ҳисоботда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра жамият фаолияти самарадорлиги **қониқарли** деб топилганлиги тугрисида ахборот берди.

Кун тартибидаги **ун олтинчи** масала бўйича жамият ҳуқуқшунослик хизмати бошлиғи Х.Корашев сузга чиқиб, жамият кундалик фаолияти билан боғлиқ бўлган битимлар рўйхати билан

йигилиш катнашчиларини таништирди ҳамда ушбу рўйхатни тасдиқлаб беришни акциядорлардан суради. (руйхат илова қилинди).

Кун тартибидаги **ун етти, ун саккиз ва ун тўққизинчи** масалалар бўйича Б.Гиёсов суз олиб,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2020 йил

30 ноябрдаги хатига мувофиқ, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 30 ноябрдаги

4-сонли қарорига қура, жамиятга тегишли «Олтин шингил» агрофирмасининг 154 000 000 сумлик 13,57 % улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига утқизишга қарор қабул қилинганлиги, ушбу улушни олиш ҳисобига «Андижон биокимё заводи» АЖ даги 96,03 % улушини, яъни 23 310 684 760 (Йигирма уч миллиард уч юз ўн миллион олти юз саксон тўрт минг етти юз саксон тўрт) сўмлик улушини 154 000 000 сумга пасайтириш қузда тутилган. Бир дона акциянинг номинал баҳоси 4076 сумдан булганлигини учун қонун бўйича акция булинмас, яъни қолдиқ булмаслигини ҳисобга олиб 37782 дона оддий акциялар 153 999 432 сумга пасайтирилиши тугрисида гапирди. Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, жамиятнинг устав фонди 24 120 524 820 (йигирма тўрт миллиард бир юз йигирма миллион беш юз йигирма тўрт минг саккиз юз йигирма) сўмлик, номинал баҳоси 4076 сумдан булган 5 917 695 дона оддий акциялардан иборат булиши тугрисида айтиб утди. Яна у уз сузида жамиятнинг Устав фонди қамайрилиши ҳисобига Уставга киритилаётган қуйидаги узгартиришлар матнини уқиб эшиттирди:

Уставнинг эски тахрири	Уставнинг янги тахрири
<b>4. Устав фонди</b>	
<p>4.2. Жамиятнинг устав фонди 24 274 524 252 (йигирма тўрт миллиард икки юз етмиш тўрт миллион беш юз йигирма тўрт минг икки юз эллик икки) сўм бўлиб, номинал қиймати 4 076 сўмдан бўлган 5 955 477 дона оддий акцияларга бўлинган ва қуйидагича тақсимланган:</p> <p>- 96,03 фоиз ёки 23 310 684 760 (Йигирма уч миллиард уч юз ўн миллион олти юз саксон тўрт минг етти юз саксон тўрт) сўмлик 9 719 010 дона акциялар “Давлат активларини бошқариш” Агентлигига (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) берилган давлат активи (илгари жойлаштирилган);</p> <p>- 3,97 фоиз ёки 963 839 492 (Тўққиз юз олтмиш уч миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг тўрт юз тўқсон икки) сўмлик 236 467 дона акциялар бошқа шахслар ихтиёридаги акциялар (илгари жойлаштирилган).</p>	<p>4.2. Жамиятнинг устав фонди 24 120 524 820 (йигирма тўрт миллиард бир юз йигирма миллион беш юз йигирма тўрт минг саккиз юз йигирма) сўм бўлиб, номинал қиймати 4 076 сўмдан бўлган 5 917 695 дона оддий акциялардан иборат.</p> <p>- 96 фоиз ёки 23 156 685 328 (Йигирма уч миллиард бир юз эллик олти миллион олти юз саксон беш минг уч юз йигирма саккиз) сўмлик 5 681 228 дона акциялар “Давлат активларини бошқариш” Агентлигига (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) берилган давлат активи (илгари жойлаштирилган);</p> <p>- 4 фоиз ёки 963 839 492 (Тўққиз юз олтмиш уч миллион саккиз юз ўттиз тўққиз минг тўрт юз тўқсон икки) сўмлик 236 467 дона акциялар бошқа шахслар ихтиёридаги акциялар (илгари жойлаштирилган).</p>
<b>5.1. Акциялар</b>	
5.1.1. Жамият томонидан номинал	5.1.1. Жамият томонидан номинал қиймати 4 076

киймати 4 076 (тўрт минг етмиш олти) сўмдан бўлган 24 274 524 252 (йигирма тўрт миллиард икки юз етмиш тўрт миллион беш юз йигирма тўрт минг икки юз эллик икки) сўмлик 5 955 477 дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.	(тўрт минг етмиш олти) сўмдан бўлган 24 120 524 820 (йигирма тўрт миллиард бир юз йигирма миллион беш юз йигирма тўрт минг саккиз юз йигирма) сўмлик 5 917 695 дона оддий акциялар чиқарилган ва жойлаштирилган.
---	--

Б.Гиёсов яна уз сузида жамиятнинг Устав фонди номинал бахоси 4076 сумдан булган 37782 дона оддий акциялардан иборат 153 999 432 сумга пасайтирилиши муносабати билан акциялар чиқарилув қарорига ҳам тегишли узгартиришлар киритилиши тугрисида гапириб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан тегишли тартибда руйхатдан утишини таъкидлаб утди.

Кун тартибидаги **йигирманчи** масала юзасидан, жамият бош хисобчиси М.Хакимова жамият акциядорларининг 2015 йил якуни бўйича 3 189 942 сум, 2016 йил якуни бўйича 7 227 675 сум, жами 10 417 617 (ун миллион тўрт юз ун етти минг олти юз ун етти) сум хисобланган, лекин талаб қилиб олинмаган дивидендлар қолдиги мавжуд булиб, амалдаги қонунларга асосан ушбу суммани жамият фойдасига олишга рухсат беришларини суради. Яна у уз сузида ушбу олинмаган дивидендлар бўйича жамиятнинг эълонлар тахтасида мунтазам равишда эълон осилганлиги ва вилоятдаги «Андижоннома» газетасининг 2021 йил 05 июндаги 27-сонида ҳам эълон берилганлиги тугрисида маълумот бериб утди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги муҳокама этилган масалалар бўйича уз овозларини бюллетенларда акс эттиришини ва якуний овозларни хисоблаш учун санок комиссия аъзоларига бюллетенларни топширишларини суради. Кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш якунлари бўйича маълумотларни уқиб эшиттириш учун санок комиссияси раиси Б.Гиёсовга суз берилди. Б.Гиёсов овоз бериш натижалари бўйича санок комиссиясининг якуний баённомасини уқиб эшиттирди (баённома илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда акциядорлар умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти қуйидаги тартибда тасдиқлансин:

- кун тартибидаги барча масалалар бўйича сўзга чиқувчиларга 5 дақиқа;

- таклиф ва мулоҳазалар учун 5 дақиқа.

- Кун тартибидаги масала бўйича қарор қабул қилишга 15 минут.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 771 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).**

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг санок комиссияси шахсий таркибига қуйидаги номзодлар тасдиқлансин:

- Б.Гиёсов (жамият ходими)

- У.Рахимов (жамият ходими)

- Б.Гойиббердиев (жамият ходими)

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 771 овоз – 100%, қарши, бетараф йўқ).**

3. Жамият Кузатов кенгашининг 2020 йилда амалга оширган ишлари, жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ва корпоратив бошқарув талабларини бажарилиши бўйича ҳисоботлари тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йўқ, бетараф: 572 овоз - 0,01%)**

4. Жамият бошқарув раисининг 2020 йил якуни бўйича бизнес-режа параметрларини бажарилиши ва йил давомида олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 496 овоз – 99,99%, қарши йўқ, бетараф: 275 овоз - 0,01%)**



5. Жамиятнинг 2020 йилдаги молия- хўжалик фаолияти якуни бўйича жамият йиллик ҳисоботи, шу жумладан баланс, молиявий натижалар, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 144 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 627 овоз - 0,01%)**

6. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳисоботи ва хулосаси тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 144 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 627 овоз - 0,01%)**

7. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудитори этиб энг кўп овоз олган Андижон шаҳрида жойлашган “ZIYO-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақини энг кўп миқдори 25 000 000 (йигирма беш миллион) сўм қилиб белгилансин. (Ушбу масала бўйича 3960 та овоз яроксиз деб топилиб, 5 764 811 та овоз катнашди)

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 764 811 овоз – 100%, қарши, бетараф йук).**

8. 2020 йил якуни бўйича жамият тафтиш комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 474 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 297 овоз - 0,01%)**

9. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича олган 8 061 200 149,560 сўм соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

- соф фойданинг 75 фоизи ёки 6 045 881 140,86 сўм акциядорларга дивиденд сифатида, яъни хар бир дона акцияга 1015,18 сўмдан дивиденд ҳисоблансин;

- соф фойданинг 10 фоизи ёки 806 120 014,96 сўм жамиятнинг инновацион фаолиятни кўллаб қуввалаш жамгармасига ажратилсин;

- соф фойданинг 5 фоизи ёки 403 060 007,48 сўм жамият захира фондига ажратилсин.

- соф фойданинг 3 фоизи ёки 241 836 004,49 сўм Жамият бошқарув раиси ва аъзоларини рағбатлантиришга ажратилсин.

- соф фойданинг 7 фоизи ёки 564 302 981,77 сўм ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилсин.

Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун муддат ичида, яъни жорий йилнинг 24 август кунига қадар акциядорларга дивидендлар тўлансин, тулов жисмоний шахсларга нақд пул ёки пластик карточкалар орқали ва юридик шахсларга ҳисоб рақамларига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилсин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 572 овоз - 0,01%)**

10. Жамиятнинг 2021 йилга мулжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 572 овоз - 0,01%)**

11. Кун тартибидаги ўн биринчи масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилсин.

12. Кун тартибидаги ўн иккинчи масала акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қолдирилсин.

13. Жамият бошқарув раиси Юлдашев Хамидулложон Тўражонович билан тузилган ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси бир йил муддатга, яъни акциядорларнинг кейинги навбатдаги умумий йиғилиш кунига қадар узайтирилсин.

**Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 572 овоз - 0,01%)**

14. Жамият ижроия органи аъзолари сони 1 нафарга, яъни жамиятнинг тартиб ва ходимлар бўйича директори лавозими қисқартирилсин. Куйидаги жамият ижроия органи аъзолари билан тузиладиган меҳнат шартномаларига узгартириш киритган ҳолда бир йил муддатга шартномалар тузилсин:

**1. Тўрақулходжаев Фазлиддин Юлчибаевич** – жамият бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, саноатда коперация алоқаларини ривожлантириш, маҳаллийлаштириш ва ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари, ижро органи аъзоси

**2. Мамасолиев Махаммадjon Шавкатович** – иқтисодиёт ва режалаштириш бўйича директор, ижроия органи аъзоси.

**3. Ирматов Аълбек Абдумажид ўгли** – маркетинг ва сотиб олиш бўйича директор в.в.б, ижроия органи аъзоси.

**4. Хакимова Мукаддасхон Тухлиевна** – бош ҳисобчи, ижроия органи аъзоси.

**5. Алиев Шаробиддин Абдукаримович** – бош технолог, ижроия органи аъзоси.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 144 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 627 овоз - 0,01%)

15. Жамиятда 2020 йил давомида корпоратив бошқарув тамойиллари ижросини баҳолаш юзасидан «ИДРОК» МЧЖ томонидан берилган хулосаси тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 144 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 627 овоз - 0,01%)

16. Жамият кундалик фаолияти билан боғлиқ бўлган битимлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 496 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 275 овоз - 0,01%)

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли Фармони ижроси таъминлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096 сонли Фармони, жамият кузатув кенгаши аъзоларининг 2020 йил 30 ноябрдаги 4-сонли қарорига кўра, жамиятга тегишли «Олтин шингил» агрофирмасининг 154 000 000 сўмлик 13,57 % улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига утказилиши ҳисобига, «Андижон биокимё заводи» АЖдаги 96,03 % ёки 23 310 684 760 сўмлик 5719010 дона оддий эгаси ёзилган нақдсиз акциялар давлат (Давлат активларини бошқариш агентлиги) ҳисобидаги акцияларидан номинал қиймати 4076 сўмдан бўлган 37782 дона (153 999 432 сумлик) оддий эгаси ёзилган нақдсиз акциялар сонини (жамиятнинг умумий акциялар сонидан) камайтириш эвазига жамиятнинг янги устав фонди номинал қиймати 4076 сумдан булган 5 917 695 дона 24 120 524 820 (йигирма тўрт миллиард бир юз йигирма миллион беш юз йигирма тўрт минг саккиз юз йигирма) сўм миқдорида белгилансин.

Бир дона акциянинг номинал баҳоси 4076 сумдан булганлигини учун конун бўйича акция булинмас, яъни колдик булмаслигини ҳисобга олиб 37782 дона оддий акциялар 153 999 432 сумга пасайтирилаётганлиги муносабати билан ўртадаги 568 сўм фарқ суммаси «Андижон биокимё заводи» АЖ ва Давлат активлари агентлиги ўртасида амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар даврида инобатга олинсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 496 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 275 овоз - 0,01%)

18. Жамият Устав фонди узгарганлиги муносабати билан, жамият уставига киритилаётган тегишли узгартиришлар матни тасдиқлансин. Ушбу узгартиришлар матнини Давлат руйхатидан белгиланган тартибда утказиш жамият бошқарувига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 496 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 275 овоз - 0,01%)

19. Жамиятнинг Устав фонди узгарганлиги муносабати билан, жамиятнинг акциялар чиқарилуви қарорига тегишли узгартиришлар киритилсин ва акциялар чиқарилуви қарорига киритилаётган узгартиришлар матни тасдиқлансин.

Акциялар чиқарилуви қарорига киритилаётган узгартиришлар матнини урнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигидан руйхатдан утказиш вазифаси жамият бошқарувига юклатилсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 572 овоз - 0,01%)



20. Жамият акциядорларининг 2015 йил якуни бўйича 3 189 942 сум, 2016 йил якуни бўйича 7 227 675 сум, жами 10 417 617 (ун миллион турт юз ун етти минг олти юз ун етти) сум ҳисобланган, лекин талаб қилиб олинмаган дивидендлари жамият фойдасига олинсин.

Овоз бериш натижалари: (ёқлади: 5 768 199 овоз – 99,99%, қарши йук, бетараф: 572 овоз - 0,01%)

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котиби



Ғ.Мадакимов

А.Кадирова

Баённома тайёрланган сана: 02 июль 2021 йил.